



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMOYISHI

2025 yil «28» ноябрь

№ Ф–68

Давлат бошқарувини рақамли трансформация қилиш ва самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Давлат хизматларини кўрсатиш босқичларини мақбуллаштириш, жисмоний ва юридик шахсларга ортиқча мажбуриятлар юклатилишининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, аҳоли ва бизнес ўртасида рақамли мулоқотни тўлақонли йўлга қўйиш ва бу борадаги ислохотлар самарадорлигини ошириш мақсадида **қарор қиламан**:

1. 2026 йил 1 январдан бошлаб давлат бошқарувини рақамли трансформация қилиш ва самарадорлигини оширишга қаратилган “**Бюрократияни бартараф этиш – 2030**” дастури (кейинги ўринларда – Дастур) ишга туширилсин ва унинг **асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) давлат хизматларидан тез ва қулай фойдаланиш орқали фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш;

(б) тадбиркорликни рағбатлантириш, хорижий инвестициялар учун жозибadorликни ошириш;

(в) рақамли ва давлат бошқаруви соҳаларида мамлакатимизнинг ижобий имижини шакллантириш;

(г) ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш ва жараёнларнинг шаффофлигини ошириш орқали суиистеъмолчилик хавфини камайтириш.

2. Дастурнинг амалга оширилишини **мувофиқлаштириш** мақсадида Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ҳузурида **лойиҳа офиси** ташкил этилсин ҳамда унинг **асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

- (а) Дастурни муваффақиятли амалга ошириш масалалари бўйича хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан **ҳамкорликни** йўлга қўйиш;
- (б) Дастур доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича **“йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш** ва **тасдиқлаш** учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик режалаштириш ва ривожланиш бўйича **мувофиқлаштирувчи кенгашга** киритиш;
- (в) ҳар йил якунида вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда – давлат ташкилотлари) томонидан давлат бошқарувида бюрократияни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар **самарадорлигини баҳолаш, эълон қилиш** ҳамда давлат ташкилотлари ва ташаббускорларни **рағбатлантириш** юзасидан **Ўзбекистон Республикаси Президентига** ахборот киритиш.
3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бюрократияни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш, бу борада амалга оширилган ишларнинг **самарадорлигини баҳолаш** Агентлик оператори ва мулкдори ҳисобланадиган **“Zero Bureaucracy”** рақамли платформаси орқали амалга оширилади.
4. Дастур доирасида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда аниқ натижаларга эришиш учун **давлат ташкилотларининг биринчи раҳбарлари шахсан масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.**
5. Агентлик **бир ой муддатда:**
- (а) **лойиҳа офиси** фаолияти йўлга қўйилиши учун зарур ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин;
- (б) **“Бюрократияни бартараф этиш” миллий мукофот** танловини ўтказиш регламенти лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президент Администрациясига киритсин. Бунда мазкур танловни ҳар йили ўтказиб бориш назарда тутилсин;

(в) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда “Zero Bureaucracy” рақамли платформаси ишга туширилишини ва мунтазам янгилаб борилишини таъминласин.

6. Мазкур фармойиш ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев